




ТИҚХММИ

Тошкент Ирригация ва Қишлоқ Хўжалигини
Механизациялаш Муҳандислари Институтини

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
ва Давлат стипендиялари танловига
номзодлар кўрсатиш бўйича
тавсиялар**



“Истеъдодли ёшларни излаб топиш ва уларни мақсадли тарбиялаш борасидаги ишларни кучайтириш керак. Илми, тарбияни тўғри қилсак, ҳамма соҳаларни малакали мутахассислар ўзлари ривожлантиради.”

Шавкат Мирзиёев

Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида Ўзбекистон Республикаси Давлат стипендиялари танловига номзодлар кўрсатиш бўйича тавсиялар

Мазкур Тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 йил 5 февралдаги "Ўзбекистоннинг ўқувчи ёшларини рағбатлантириш чоралари тўғрисида"ги ПФ-555-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 13 октябрь "Ўзбекистон иқтидорли ёшларини тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида"ги 226-сонли Қарори билан тасдиқланган "Талабалар учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендиялари ва уларни тайинлаш тартиби тўғрисида НИЗОМ" ҳамда "Номли давлат стипендиялари ва уларни тайинлаш тартиби тўғрисида НИЗОМ ларга мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, олий таълим муассасаларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендиялари ва Номли давлат стипендияларига номзодлар тайёрлаш, танлаш, кўрсатиш ва хужжатлаштириш тартибини белгилайди ҳамда ушбу Тавсиялар олий таълим муассасаси Илмий кенгаши қарори билан амалиётга жорий этилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат стипендияларига номзодлар кўрсатиш олий таълим муассасаси ректори ва илмий ишлар бўйича проректор (филиалларда директор ва директорнинг илмий ишлар бўйича ўринбосари)лар масъул хисобланади.

1. Номзодларни тайёрлаш

1.1. Номзодларни тайёрлаш ва ўқув йили давомида унинг мониторингини олиб бориш Иқтидорли талабалар билан ишлаш бўлими (ёки масъул ходим) томонидан амалга оширилади.

1.2. Номзодларга илмий раҳбар белгиланиб, талабанинг шахсий иш режаси олий таълим муассасаси ёки факультет Илмий кенгашида тасдиқланади. Иш режада талабанинг маънавий-ахлокий тарбияси, фанлардан чуқур билим олиш йўналишлари бўйича бажариладиган вазифалари аниқ ифода этилади.

1.3. Ҳар бир номзоднинг шахсий иш режаси асосида календарь иш режа тузилади, олий таълим муассасаси бўйича номзодларни Давлат стипендиялари танловига тайёрлаш юзасидан режа ишлаб чиқилиб, буйруқлаштирилади.

2. Номзодлар танлови

2.1. Номзодларни танлаш олий таълим муассасаси ректори (филиаллар директорлари) буйруғи билан ташкил этилган Махсус комиссия томонидан ўтказилади.

2.2. Махсус комиссия 1-15 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендиялари ва Номли давлат стипендиялари танловининг биринчи босқичини ўтказди.

2.3. Махсус комиссия фаолияти олий таълим муассасалари ректорлари (филиаллар директорлари) томонидан бошқарилиб, унинг таркибига:

Ўқув ва илмий ишлар, ёшлар билан ишлаш проректорлари;

Касаба уюшмаси (қўмитаси), Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи, ва Васийлик кенгаши вакиллари;

Иқтидорли талабалар билан ишлаш бўлими бошлиғи (ёки масъул ходими) киритилиши мумкин.

2.4. Номзодлар “Ўзбекистон тарихи”, “Информатика ва ахборот технологиялари”, “Чет тили” фанларидан махсус синовдан ўтказилади.

2.5. Номзодларни танлаш талабаларнинг ўқишдаги ва илмий (ижодий) фаолиятдаги муваффақиятлари, “Ўзбекистон тарихи”, “Информатика ва ахборот технологиялари”, “Чет тили” фанларидан билим даражаси, одоб-ахлоқи, инсоний фазилатлари ва ижтимоий фаоллигини инобатга олган ҳолда амалга оширилади.

2.6. Махсус комиссия томонидан ўтказилган танлов натижалари олий таълим муассасаларининг Илмий Кенгашида кўриб чиқилади.

3. Номзодларни кўрсатиш

3.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендиялари ва Номли давлат стипендияларига номзодлар кўрсатиш олий таълим муассасалари Илмий Кенгаши томонидан амалга оширилади.

3.2. Илмий Кенгаш яширин овоз бериш орқали оддий кўпчилик овоз билан ҳар бир номзод бўйича йўналиши аниқ кўрсатилган (1, 2-иловалар) ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендиялари ва Номли давлат стипендиялари танловининг иккинчи босқичида қатнашиши юзасидан қарор қабул қилади.

3.3. Олий таълим муассасаси қарашли бўлган вазирлик (идора)нинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендиялари ва Номли давлат стипендияларини тайинлаш тўғрисида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тавсияномалар жўнатиши учун ОТМ Илмий кенгаши қарори асос бўлади.

4. Хужжатлаштириш ва ҳисобот шакли

4.1. Номзодларнинг хужжатлар тўпламини (йиғма жилд) тайёрлаш ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тақдим этиш вазифаси Иқтидорли талабалар билан ишлаш бўлими бошлиғи (ёки масъул ходими) зиммасига юклатилади.

4.2. Иккинчи босқичда иштирок этуви талабаларнинг йиғма жилди 3-иловага мувофиқ тайёрланади.

4.3. Масъул ходим олий таълим муассасаси қарашли бўлган вазирлик (идора)нинг тавсиянома хати, олий таълим муассасаси йўлланма хати (номзодларнинг қайси давлат стипендияларига тавсия қилинганлиги аниқ кўрсатилиши шарт), танловнинг биринчи босқичи бўйича ҳисобот билан биргаликда йиғма жилдларни 1-15 август кунлари Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тақдим этади.

4.4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендиялари республика босқичида иштирок этувчи талабалар учун олий таълим муассасаларида “Ўзбекистон тарихи”, “Информатика ва ахборот технологиялари”, “Чет тили” фанларидан бир ой қўшимча машғулотлар ташкил этилади (август ойи тавсия этилади).

5. Молиявий таъминот

5.1. Номзодларни тайёрлаш, илмий раҳбарларни рағбатлантиришга оид сарф-харажатлар олий таълим муассасасининг бюджетдан ташқари маблағлари ва ҳомийлик маблағлари ҳисобидан амалга ошириш тавсия этилади.

1-илова

Талабаларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендияларини тайинлаш учун белгиланган йўналишлар (мутахассисликлар) номи

№	Йўналишлар (мутахассисликлари) номи
1	Қишлоқ ва сув хўжалиги таълим йўналишлари
2	Техника ва информатика таълим йўналишлари
3	Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот таълим йўналишлари
4	Хорижий тиллар, ижтимоий-гуманитар ва ижтимоий фанлар таълим йўналишлари
5	Табиий фанлар ҳамда педагогика таълим йўналишлари
6	Бизнес ва бошқарув ҳамда ҳуқуқ ва халқаро муносабатлар таълим йўналишлари
7	Маданият, санъат ва спорт ҳамда журналистика таълим йўналишлари

Ўзбекистон Республикаси номли Давлат стипендиялари (Навоий, Беруний, Улугбек, Ибн Сино, Имом ал-Бухорий)нинг таълим соҳалари бўйича тақсимланиши

№	Номли Давлат стипендиялари номи	Таълим соҳаси	Код
1.	Беруний	Мухандислик иши	310 000
2.		Ишлаб чиқариш технологиялари	320 000
3.		Компьютер технологиялари ва информатика	330 000
4.		Архитектура ва қурилиш	340 000
5.		Алоқа ва ахборотлаштириш, телекоммуникация технологиялари	350 000
6.		Қишлоқ, ўрмон ва балиқ, хўжалиги	410 000
7.		Қишлоқ хўжалигида менежмент	420 000
8.		Қишлоқ хўжалиқ техникаси	430 000
9.		Ветеринария	440 000
10.		Ирригация ва мелиорация	450 000
11.		Хизмат кўрсатиш соҳаси	610 000
12.		Транспорт	620 000
13.		Атроф-муҳит муҳофазаси	630 000
14.		Хаёт фаолияти хавфсизлиги	640 000
15.	Навоий	Педагогика	110 000
16.		Гуманитар фанлар	120 000
17.		Санъат	150 000
18.		Социология ва психология	210 000
19.		Журналистика ва ахборот	220 000
20.		Иқтисод	230 000
21.		Ҳуқуқ	240 000
22.		Харбий таълим	650 000
23.	Улугбек	Математика	130 000
24.		Табиий фанлар	140 000
25.	Ибн Сино	Соғлиқни сақлаш	510 000
26.		Ижтимоий таъминот	520 000
27.	Имом ал-Бухорий	Тошкент ислом университети таълим йўналишлари	

Изоҳ: Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификаторига муносиб мазкур таълим соҳасига мос келувчи бакалаврият таълим йўналишлари талабалари ушбу номли Давлат стипендиялари танловида иштирок этади.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендиялари ва
Номли давлат стипендиялари номзодлари учун олий таълим
муассасалари томонидан тайёрланадиган хужжатлар рўйхати ва
уларга қўйиладиган талаблар**

**6. Хужжатлар рўйхати Номзодларнинг йиғма жилдида қуйидаги
хужжатлар бўлиши лозим:**

- Олий таълим муассасалари Илмий Кенгаши йиғилиши баённомасидан кўчирма;
- деканат ва кафедра тавсияномаси;
- рейтинг дафтарчаси кўчирмаси (кўчирма деканат ёки ОТМнинг оригинал мухри билан тасдиқланиши лозим);
- биринчи босқичда “Ўзбекистон тарихи”, “Информатика ва ахборот технологиялари”, “Чет тили” фанларидан ўтказилган синов натижалари қайдномаси;
- илмий (ижодий) ишлар рўйхати;
- илмий (ижодий) ишларнинг аннотацияси;
- илмий (ижодий) ишларнинг босма нусхалари;
- илмий (ижодий) бўйича иш раҳбар ва кафедранинг фикр-мулоҳазаси;
- паспорт нусхаси.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендиялари
номзодлари учун қўшимча равишда қуйидаги хужжатлар тақдим
қилинади.**

- номзоднинг бакалаврият ва магистратурага кириш тест синовларида тўплаган бали;
- таржимаи холи;
- 10x15 см ўлчамдаги рангли фотосурат.
- Кайд этилган хужжатлар йиғма жилдга рўйхатда келтирилган кетма-кетликда жойланади. Йиғма жилд муқовасида тавсиянома берган вазирлик (идора), ишни тақдим қилган олий таълим муассасаси, Давлат стипендияси номи, номзоднинг исм-шарифи, таълим соҳаси, таълим йуналиши (мутахассислиги) шифри ва номи, курси ва гуруҳи кўрсатилади.

7. Тақдим этиладиган хужжатларга қўйиладиган талаблар.

**7.1 Олий таълим муассасалари Илмий Кенгаши йиғилиши
баённомасидан кўчирма.**

Номзодларнинг таржимаи-ҳоли, ўқишдаги ва илмий (ижодий) фаолиятдаги муваффақиятлари Илмий Кенгашда очиқ; муҳокама этилиб, яширин овоз бериш орқали оддий кўпчилик овоз билан аниқланади. Овоз бериш натижалари баённомадан кўчирмада кайд этилиши шарт.

Илмий кенгаш баёнидан олинган кўчирма Кенгаш раиси томонидан имзоланади ва муҳрланади. **Деканат ва кафедра тавсияномасида талабанинг**

ўқиш ва илмий (ижодий) фаолияти, жамоатчилик ишларида иштироки баён этилади, хулоса қилинади.

Тавсиянома факультет декани ва кафедра мудири томонидан имзоланади ва факультет мухри билан тасдиқланади.

7.2. Талабанинг рейтинг дафтарчасидан кўчирма.

Номзоднинг рейтинг дафтарчасидан нусха олиниб, ҳар бир варағи декан имзоси ва мухри билан тасдиқланган бўлиши шарт.

7.3. “Ўзбекистон тарихи”, “Информатика ва ахборот технологиялари”, “Чет тили” фанларидан ўтказилган синов Натижалари кайдномаси.

Махсус комиссия томонидан ҳар бир фандан синов ўтказиш тартиби ва баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилиб, тасдиқланади. Фанлардан синовлар ўтказиш жадвали тузилади ва танлов иштирокчиларига синов ўтказиш кунидан камида 5 кун олдин маълум қилинади. Ҳар бир фан учун маслаҳат камида бир кун ва синов ўтказиш учун эса бир кун ажратилади.

Номзод давлат тилини ва битта хорижий (Мустақил Давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари давлат тилларидан ташқари) тилни билиш, бакалавриятдаги таълим йўналиши ёки магистратурадаги мутахассислик хорижий тил ҳисобланган алоҳида ҳолларда кўшимча равишда яна битта хорижий тилни билиш, Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар учун эса ўқиш олиб бориладиган тилни кўшимча равишда билиш талаб қилинади.

Ҳар бир тил бўйича алоҳида синов ўтказилади ва алоҳида кайдномалар расмийлаштирилади.

Фанлардан талабаларнинг билими 100 балли тизимда баҳоланади ва 4-иловага мувофиқ расмийлаштирилади.

7.4. Илмий (ижодий) ишлар рўйхати.

Илмий (ижодий) ишлар рўйхати 5-иловага мувофиқ тақдим этилади.

Рўйхатга номзоднинг чоп этилган илмий (ижодий) ишлари киритилади. Номзод томонидан ўқув-услубий материаллар ҳаммуаллифликда нашр этилган тақдирда, номзоднинг хулосаси (фоизларда эмас, балки аниқ кўрсатилиши керак) кўрсатилган ва илмий ишлар бўйича проректор томонидан тасдиқланган розилик хати кушиб берилади. ўқув-услубий материалларнинг энг камида олий таълим муассасаси ўқув-услубий кенгаши қарори асосида нашр этилганлари инобатга олинади.

Рўйхат илмий ишлар бўйича проректор томонидан имзоланиб, олий таълим муассасаси мудри билан тасдиқланади.

7.5. Илмий (ижодий) ишларнинг аннотацияси.

Илмий (ижодий) ишнинг қисқа ва ихчам таснифи келтирилади. Аннотация муаллиф томонидан ёзилади, муаллиф ва илмий раҳбар томонидан имзоланади.

7.6. Илмий (ижодий) ишларнинг босма нусхалари.

Номзоднинг илмий (ижодий) ишлари чоп этилган илмий журнал, тўплам ва газеталарнинг асл нусхалари тақдим этилади. Асл нусхалари катта ҳажми ташкил этган тақдирда, унинг муқоваси, мундарижаси, мақоласидан нусхаси олиниб, илмий ишлар бўйича проректор томонидан имзоланади ва мухр билан

тасдиқланади.

7.7. Илмий (ижодий) иш раҳбари ва кафедранинг фикр-мулоҳазаси.

Номзоднинг илмий (ижодий) ишининг долзарблиги, ўрганилганлиги, мақсад ва вазифалари, изланиш услублари, муҳим натижари ва истиқболи бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилади. Илмий раҳбар ҳамда кафедра фикр-мулоҳазаларни алоҳида-алоҳида билдиришлари мумкин.

Фикр-мулоҳазалар илмий ишлар бўйича проректор томонидан имзоланади ва муҳр билан тасдиқланади.

4-илова

Синов натижалари гувоҳномаси

Талабанинг Ф. И. Ш. _____			
Таълим йўналиши шифри ва номи _____ гуруҳи _____			
№	Фан номи	Синовда тўпланган балл	Синов хайъати аъзолари (Ф.И.Ш., илмий даражаси, илмий унвони)
1	Ўзбекистон тарихи		
2	Информатика ва ахборот технологиялари		
3	Чет тили (аниқ кўрсатилиши лозим)		

Гувоҳнома олий таълим муассасасида фанлардан ўтказилган синов натижалари қайдномаси асосида берилди.

Махсус комиссия раиси _____
(имзо)

_____ (Ф.И.Ш.)

М.Ў.

Талабанинг Ф.И.Ш. Таълим йўналиши шифри ва номи					Гуруҳи
№	Илмий (ижодий) иш номи	Ҳажми (бет ёки босма табоқда)	Илмий (ижодий) иш чоп этилган нашр (журнал, тўплам, газета ва б.)		Хаммуаллифлар Ф.И.Ш.
			Номи	Санаси ва раками	
1.					
2.					

Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендиясига

_____ йўналиши бўйича талабгор
_____ университети _____ факультети
_____ йўналиши _____ курс талабаси
_____ нинг тайёрлаган хужжатлар

МУНДАРИЖАСИ:

1. Илмий Кенгаш йиғилиши баённомасидан кўчирма
2. Деканат ва кафедра тавсияномаси.
3. Биринчи босқичда “Ўзбекистон тарихи”, “Информатика ва ахборот технологиялари”, “Чет тили” фанларидан ўтказилган синов натижалари қайдномаси.
4. Рейтинг дафтарчасидан кўчирма.
5. Илмий ишлар рўйхати.
6. Илмий (ижодий) ишлар аннотацияси.
7. Илмий ишларнинг босма нусхалари.
8. Илмий (ижодий) иш бўйича раҳбар ва кафедранинг фикр-мулоҳазалари.
9. Диплом ва сертификатлар.
10. Паспорт нусхаси.
11. Кириш синовларида олган балли тўғрисида маълумотнома.
12. Гаржимаи ҳоли.
13. Фотосурат 10-15.

Ушбу йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 13 октябрдаги 226-сонли “Ўзбекистон иқтидорли ёшларини тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида”ги Қарори ҳамда “Талабалар учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендиялари ва уларни тайинлаш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ” асосида иқтидорли талабаларнинг илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш бўлими томонидан тайёрланди.

Қўшимча маълумот учун қуйидаги манзилга мурожаат этишингиз мумкин.

Манзил: 11-бино, 210-хона.

Телефон: +99 871 237 19 61;

Телеграм: @tiqmmi_ilmiy_innovatsiya

